

**Ўзбекистон давлат хореография академияси**  
**“Ўзбекистон маданияти ва санъати: миллий мерос ва интеграцион**  
**жараёнлар” мавзусидаги**  
**республика илмий-амалий анжуман**  
**АХБОРОТ ХАТИ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар доирасида олий таълим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023-йил 4-июлдаги ПҚ-200-сон қарори 9-банди ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024-йил 18-январдаги 16-сон буйруғи билан тасдиқланган режага мувофиқ 2024-йилнинг 15-16-апрел кунлари Ўзбекистон давлат хореография академиясида “Ўзбекистон маданияти ва санъати: миллий мерос ва интеграцион жараёнлар” мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилади.

**Конференция қуйидаги йўналишлар бўйича ташкил этилади:**

**1. Хореография санъати:**

- балет санъати соҳасидаги ижодий изланишлар;
- рақс санъатидаги янги ижодий лойиҳалар ва жараёнлар;
- хореография таълимида халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти;
- миллий рақс санъати ва этнография; фольклор рақслари.

**2. Санъат назарияси ва тарихи:**

- Ўзбекистон санъатининг долзарб масалалари;
- Ўзбекистон санъати тарихининг ўрганилмаган саҳифалари;
- санъатшунослик соҳасидаги янги изланишлар;
- миллий санъат ва қадриятлар интеграцияси;

**3. Ижтимоий – гуманитар фанлар:**

- педагогик технологиялар соҳасидаги инновацион ёндашув;
- глобаллашув шароитидаги маданий-гуманитар жараёнлар;
- жадидлар меросининг бугунги кундаги аҳамияти;
- миллий мерос ва умумбашарий қадриятлар;

**Муаллифлар учун маълумотлар**

Конференцияда республика миқёсида фаолият юритаётган олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, докторант ва таянч докторантлар, тадқиқотчилар, ёш олимлар, магистрантлар ҳамда маданият ва санъат соҳасида фаолият олиб бораётган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

**Конференциянинг расмий тили:** ўзбек, рус ва инглиз.

**Илмий мақолалар қуйидаги талаблар асосида  
расмийлаштирилиши лозим:**

✓ мақола матни Microsoft Word матн муҳаррири ёрдамида Times New Roman шрифтида, 1,5 интервалда, 14 ўлчамда терилган бўлиб, юқоридан ва пастдан 2 см., чапдан 3 см., ўнгдан 1,5 см. жой қолдириб расмийлаштирилади. Мақоланинг номи бош ҳарфлар билан ёзилади ва 1,5 интервалдан сўнг муаллифнинг Ф.И.О., асосий иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва илмий унвони ёзилади;

✓ матнда ҳаволалар тўртбурчак қавс ичида фойдаланилган адабиётлар рўйхатидаги тартиб рақами билан берилади (Масалан: [1, 36-б.]). Фойдаланилган адабиётлар рўйхати матн сўнгида берилади. Фойдаланилган адабиётлар камида 4-5 та номдаги адабиётни ташкил этиши тавсия этилади;

✓ талабга жавоб бермайдиган мақолалар чоп этилмайди ва қўлёзмаси муаллифга қайтарилмайди;

✓ муаллиф тақдим этилган мақоланинг илмий-назарий ва методологик жиҳатдан асосланганлиги, мақолада келтириладиган рақамлар, маълумот ва далилларнинг аниқлиги, тўғрилиги ҳамда плагиатга йўл қўйилмаганлигига масъулдир;

✓ мақола ҳажми 5-7 бет, электрон вариантда **2024-йил 1-мартга қадар** таҳрирдан ўтказилиб, ташкилий қўмитанинг [tumaris1987@gmail.com](mailto:tumaris1987@gmail.com) электрон манзилига ёки (97) 448-87-78 телеграмм рақамига юборилиши лозим;

✓ кўрсатилган муддатдан кечикиб тақдим этилган мақолалар кўриб чиқилмайди ва тўшламга киритилмайди.

**Координатор:** Шаҳзода Худойназарова: (90) 821-54-44

*Ташкилий қўмита*

**Государственная академия хореографии Узбекистана**  
**Республиканская научно-практическая конференция**  
**«Культура и искусство Узбекистана: национальное наследие и**  
**интеграционные процессы»**

**ИНФОРМАЦИОННОЕ ПИСЬМО**

В соответствии с пунктом 9 Постановления Президента Республики Узбекистан «О мерах по эффективной организации государственного управления в сфере высшего образования, науки и инноваций в рамках административных реформ» УП-200 от 4 июля 2023 года, а также Приказом № 16 Министерства высшего образования, науки и инноваций от 18 января 2024 года, Государственная академия хореографии Узбекистана 15 – 16 апреля 2024 года проводит Республиканскую научно-практическую конференцию на тему «Культура и искусство Узбекистана: национальное наследие и интеграционные процессы».

**Конференция организуется по следующим направлениям:**

**1.Хореографическое искусство:**

- творческие поиски в сфере балетного искусства;
- новые творческие проекты и процессы в танцевальном искусстве;
- значение международного сотрудничества в сфере хореографического образования;
- национальное танцевальное искусство и этнография; фольклорные танцы.

**2.Теория и история искусств:**

- актуальные вопросы искусства Узбекистана;
- неизученные страницы истории искусства Узбекистана;
- новые исследования в сфере искусствознания;
- национальное искусство и интеграция ценностей;

**3.Общественно-гуманитарные науки:**

- инновационный подход в сфере педагогических технологий;
- культурно-гуманитарные процессы в условиях глобализации;
- современное значение наследия джадидов;
- национальное наследие и общечеловеческие ценности;

## **Информация для авторов**

В конференции могут принять участие профессора и преподаватели действующих в республике высших учебных заведений, докторанты, соискатели, исследователи, молодые учёные, магистранты, а также специалисты, осуществляющие деятельность в сфере культуры и искусства.

**Официальные языки конференции:** узбекский, русский, английский.

### **Научные статьи должны быть оформлены в соответствии со следующими требованиями:**

✓ Текст выполняется в редакторе Microsoft Office Word со следующим форматированием: шрифт - Times New Roman; основной текст - кегль 14; межстрочный интервал 1,5; верхнее и нижнее поля - 2 см; левое поле - 3 см, правое поле - 1,5 см; формат А4. Название статьи пишется заглавными буквами, затем, через 1,5 интервала, указывается Ф.И.О. автора, место основной работы, должность, учёная степень и учёное звание;

✓ Сноска в тексте отмечается порядковой цифрой в квадратных скобках согласно списка литературы (Например: [1, с.36.]). Список использованной литературы указывается в конце текста и должен состоять не менее чем из 4-5 наименований;

✓ Статьи, не соответствующие данным требованиям, не будут опубликованы и рукопись не будет возвращена автору;

✓ Автор представленной статьи несёт ответственность за её научно-теоретическую и методологическую обоснованность, за точность и достоверность приведённых цифр, сведений и фактов, а также за недопущение плагиата;

✓ Статья объёмом 5-7 страниц должна быть представлена в электронном варианте до 1 марта 2024 года в организационный комитет по электронной почте [tumaris1987@gmail.com](mailto:tumaris1987@gmail.com) или на телеграм по номеру (97) 448-87-78;

✓ Статьи, представленные позже указанного срока, не будут приняты к рассмотрению и публикации в сборнике.

**Координатор:** Шахзода Худойназарова: (90) 821-54-44

*Организационный комитет*